

«Хайр, Рамазон!» деманг



14:23 / 08.04.2024 2519

Охирги ўн кунликнинг ҳар бир кечасида уч (минг) сўмдан бўлса ҳам садақа қилинг, агар садақангиз Қадр кечасига тўғри келиб қолса, 84 йил давомида ҳар куни садақа қилган бўласиз.

Рамазоннинг охирги ўн кундаги тунларда икки ракъат бўлса ҳам таҳажжуд намози ўқиб олинг, агар намоз Қадр кечасига тўғри келиб қолса, 84 йил давомида ҳар кеча таҳажжуд ўқиган бўласиз.

Рамазоннинг охирги ўн кунда ҳар кеча уч мартадан Ихлос сурасини ўқиб қўйинг, агар тиловатингиз Қадр кечасига тўғри келиб қолса, 84 йил давомида ҳар кеча Қуръонни тиловат қилган бўласиз.

Аллоҳим! Бизларни ана шу майдонда ғалаба қозонувчилардан қил!

Рамазондан кейин ҳам рўза тутиш тугаб қолмайди, Қуръон ўқишдан йироқлашилмайди, масжидни тарк қилинмайди!

«Ва сенга аниқ нарса (ўлим) келгунича Роббингга ибодат қил» (Ҳижр сураси, 99-оят).

Син рамазоний бўлманг, раббоний бўлинг! Яъни, ҳар доим ибодатда қоим бўлинг, фақат Рамазонда ибодат қилувчилардан бўлманг!

Рамазонни чиройли кутиб олмаган бўлсангиз ҳам, видолашувни гўзал тарзда адо этинг! Охири мукамал бўлганидан ибрат олинади, аввали нуқсонли бўлганидан эмас.

Ҳасан Басрий: «Сен рўзанинг қолганини чиройли адо қил, ўтганидаги камчиликларини Аллоҳ кечиради», деганлар. Сен қолганини ғанимат бил! Қачон Аллоҳнинг раҳматига эришишингни билмайсан. Эҳтимол, у Рамазоннинг охириги соатидададир!

«Хайр, Рамазон!» деманг.

«Аллоҳим, Рамазондаги рўзамизни қабул қилгин, ўзимиздан ҳам, орамиздан ҳам ҳеч кимни айирмасдан, узоқ йиллар Рамазонда жам бўлиб юришимизни насиб қилгин. Роббим, меҳру мағфиратингни биздан дариғ тутма!», деб айтинг.

Раҳмат ва барака ойи бўлмиш Рамазоннинг сўнгги кунлари яқинлашиши муносабати билан Ибн Жавзий айтган нарсаларини эслаб ўтамиз:

«От маррага яқинлашган сари мусобақада ғалаба қозониш учун бор кучини ишга солар экан. От сендан кўра фаросатли бўлиб қолмасин! Амаллар хотимага қараб баҳоланади! Кутиб олишни қойилмақом қилмаган бўлсанг, хайрлашишни чиройли қилиб қўй!».